



ҚҰШИБ ЎРАШ МАШИНАСИДА ИПЛАРНИНГ ТАРАНГЛИГИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ

У.Х.Мелибоев, Д.Д.Атамбаев

Наманган мұхандислик-технология институти

Дунё бозорида тұқымачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш мақсадида асосий жараёнлардан бири - йигириш ҳамда ипларни тұқувчиликка тайёрлаш жараёнларида технологик жараёнлар ишлашига салбий таъсир күрсатувчи омилларни аниқлаш ва бартараф қилиш, автоматлаштирилған, ресурстежамкор замонавий машиналарни яратиш ва жорий қилиш катта аҳамияттағы әгадир [1,2].

Соңға оид тадқиқоттар таҳлили шуни күрсатады, тұқымачилик иплари ассортиментини кенгайтириш, икки ва ундан ортиқ бўлған якка ипларни қайта ўраш машиналарида бир хил тарангликда қўшиш, нуқсонларни ҳосил бўлиш сабаблари билан боғлиқ бўлған комплекс илмий тадқиқотлар ҳозирги кунда амалий ёки назарий жиҳатдан етарли даражада олиб борилмаган [3]. Бундан ташқари ипдаги қалин, ингичка ва ўта ингичка жойлар пишитиш, тандалаш ва тўқиши жараёнларида жуда катта қийинчиликларга олиб келади. Ушбу нуқсонларни бартараф этишининг ягона ва энг мақбули, бу қўшиш жараёнидир.

Хозирги кунгача соҳа бўйича амалга оширилған тадқиқот ишлари ва изланишлар Ўзбекистонда тұқымачилик ва енгил саноати жадал ривожланиб бораётганлигини, технологик жараёнларга энг сўнгги русумдаги, унумдорлиги юқори, автоматлаштирилған, маҳсулот сифатини таъминлаш учун компьютер дастурий таъминоти асосида ишлайдиган назоратчи қурилмалар билан таъминланган машиналар ва жиҳозлар жорий қилиниши бозор талаблари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имонияти яратилаётганлигидан кўриш мумкин.

Хозирда замонавий тұқымачилик корхоналарида дунёдаги етакчи тұқымачилик машинасозлиги билан шуғулланувчи корхоналарнинг машиналари Республика саноатида ишлатиб келинмоқда. Хорижий давлатлардаги мазкур замонавий корхоналар машиналарининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ва бунинг натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментларини ошириш лозим. Шу ўринда сўнгги йиллар ичиде жаҳон ишлаб чиқариш амалиётида тұқымачилик ва енгил саноатдаги технологик жараёнларда сезиларли ўзгаришлар юз берганини таъкидлаш жоиз. Бу истеъмолчиларнинг энг нозик талабларига жавоб берувчи принципиал янги маҳсулотни ишлаб чиқариш имконини яратди. Соҳада пишитилған ип ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги тұқымачилик саноати ривожланган давлатлар олимлари илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Уларнинг аксарияти бир босқичли йигириб-пишитиш машиналарини такомиллаштириш ва ассортимент имкониятларини ошириш, йигириш машиналарини такомиллаштириш ҳамда уларда пишитилған иплар ишлаб чиқариш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Мураккаб тузилишдаги пишитилған ипни пишитишга тайёрлашда ип таранглигини назорат қилувчи қурилмани тайёрлаш икки қисмдан иборат бўлади. Қурилма конструкцияси ва микропротсетсорли тизим. Қурилмани микропротсетсорли қисмини яратишида PIC (Periferik Interfeys Controller) микроконтроллеридан фойдаланилди [4,5].

PIC - Microchip Technology Inc (AQSh) томонидан ишлаб чиқарылған микроконтроллерлар сериясининг номи. PIC номи *Periferik interfeys controller* номидан олинган. PIC микроконтроллерлари RISC архитектурасига эга. RISC - бу мобил қурилмалар учун протессорларда ҳам қўлланиладиган қисқартирилған кўрсатмалар тўплами. RISC архитектурасига бир қатор мисолларни келтириш мумкин: ARM , Atmel AVR ва бошқалар.

Мисрочип 2016 йилда AVR контроллерларини ишлаб чиқарувчи Atmel компанияси томонидан ишлаб чиқарыла бошланган (1-расм).



1-расм. PIC микрочипининг кўриниши

8-битли PIC микроконтроллерлари бир биридан фарқ қилувчи 3 та оиласдан иборат.

- Асосий (PIC10F2xx, PIC12F5xx, PIC16F5x, PIC16F5xx);
- Ўрта диапазон (PIC10F3xx, PIC12F6xx, PIC12F7xx, PIC16F6xx, PIC16F7xx, PIC16F8xx, PIC16F9xx);
- Кенгайтирилган ўрта диапазон (PIC12F1xxx, PIC16F1xxx);
- Юқори даражали ёки PIC18 (18Fxxxx, 18FxxJxx va 18FxxKxx).

Ипларни ўралишдаги таранглик кучларини аниқлашда hx711 модулидан фойдаланилди.

hx711 электрон модули тензо датчикга уланади ва микроконтроллернинг ишлаши учун рақамли қийматларни шакллантиради. Ушбу схема, шунингдек, Wheatstone кўприги томонидан ишлаб чиқилган бошқа қўплаб сенсорлар учун ҳам мос келади. Wheatstone кўприги сенсорлари учун ADC (аналогдан рақамли конвертор) ҳисобланади.

Тензодатчик одатда Wheatstone кўпригидир. Қаршиликдаги ҳар қандай кичик ўзгариш (милли-Ом диапазони) ўлчаниши мумкин. Ушбу электрон модул тензодатчик қаршилигидаги кичик ўзгаришларни рақамли 24 биттагача аниқлик билан ўлчашга қодир. У иккита дифферентсиал киришни қабул қила олади, Аналог кўринишидаги сигналларни рақамли кўринишга айлантиради.

Ушбу схема модули Wheatstone кўприги туридаги сенсорларга уланиш учун мос келади. Сенсорнинг чиқишидан кичик кучланиш ўзгаришларини аниқ ўлчашиб учун кенг қўлланилади. 2x дифферентсиал кириш канали, x32, x64, x128 битли танланадиган архитектурага эга, ADC дан намуна олиш тезлиги 10Hz, 80Hz ни ташкил қиласади. 3,3 V дан 5 V гача кириш кучланишини қабул қилиши мумкин. Қувват истеъмоли <1,5mA дан кичик, Ишлаш ҳарорати -40 °C дан 85 °C гача оралиқда.

Шундай қилиб контроллерга уланган hx711 модули ва модулга уланган тензо датчик курилмаси компьютерга I²C протоколи ёрдамида маълумотларни узатади.

1-жадвал


Ўтказилган тадқиқот натижалари

Тарангловчи мосламага 8 грамм юк қўйилганда ипларнинг таранглик кучи. (30 сония давомида олинган, 29.5 Текс).

Вақт, s	Биринчи ипдаги таранглик кучи, sN	Ikkinci ipdag'i Taranglik kuchi, sN	Учинчи ипдаги таранглик кучи, sN
0	324,47	298,91	294,56
1	376,57	307,08	307,89
2	391,27	292,91	273,79
3	376,98	332,68	274,53
4	373,53	282,14	333,52
5	325,56	326,9	273,8
6	344,27	287,68	305,24
7	419,6	295,18	267,77
8	429,43	341,1	296,15
9	327,65	325,6	326,5
10	448,5	342,18	292,76
11	367,16	339,68	260,98
12	421,42	305,02	302,83



13	374,85	347,75	320,7
14	426,4	336,59	275,9
15	378,21	300,46	288,27
16	391,84	303,44	329,1
17	366,95	331,91	262,98
18	334,5	289,5	312,14
19	330,62	342,46	264,69
20	391,88	318,57	285,56
21	368,73	303,98	314,8
22	443,18	327,5	290,36
23	333,76	286,57	272,73
24	383,09	275,72	274,6
25	326,83	313,34	325,81
26	323,28	298,82	284,67
27	396,27	273,9	299,21
28	387,08	339,39	275,06
29	426,53	299,16	335,9
30	353,09	335,5	263,29



2-расм. Тарапгловчи мосламага юқ қўйилгандаги ипларнинг таранглик кучи графиги

Янги конструкцияли ип қўшиш қурилмасида учта ипни қўшиш жараёнида таранликларини тарангликни созлаш учун ўзгартириб (8,14, 20, 24.) тажрибалар ўтказилди (1-жадвал). Тажрибаларда олинган ўлчашлар натижасида ҳар бир ипнинг (қўшилаётган учта ипнинг) таранглик кучлари ўлчанди ҳамда ҳар бир тарапгловчи оғирлик қийматлари бўйича графиклар қурилди. Олинган графиклардан шуни кўришимиз мумкинки, ҳар бир график учта ипнинг тарангликлари бўйича эгри чизикларини қийматлари, марказдан оғиши ва синхронлиги ипнинг умумий мустаҳкамлигининг шакланиши ҳамда сифатли қўшишлишни ифодалайди. 2-расмда тарапгловчи мосламага юқ қўйилгандаги ипларнинг таранглик кучи графиги берилган бўлиб, унда иккинчи ва учинчи ипларнинг тарангликлари бир-бирларига яқин қийматларни (260-340 cN), биринчи ип эса колган икки ипга нисбатан қўпроқ (330-450 cN) тарангликни кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар

- Л.А.Амзаев, Қ. Ж. Жуманиязов, С.Л.Матисмаилов. Тадқиқотни илмий асослари ва технологик жараёнларни муқобиллаш. Дарслик. - Т.: ТТЕСИ. 2008. - 147 бет.



2. У.Х. Мелибоев, Тұқымачилик саноати технологик жараёнларини моделлаштириш асослари, Үқув құлланма, Адабиёт учқулари, Наманган, 2020.

3. А.Г. Севостьянов, Методы и средства исследования механико-технологических процессов текстильной промышленности. - М.: МГТУ им. А.Н. Косыгина, 2007. - 648 с.

4. J. Yuldashev, M.Mirxojaev, D.Atambaev, D.Raimberdieva. Analysis of modern sportswear materials. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology Vol. 6, Issue 3, March 2019

5. D.Atambaev. Analysis of Fibrous Waste Generated in the Preparation Departments of Spinning Mills and Cotton Processing. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology Vol. 7, Issue 9 , September 2020